
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг топшириғига асосан "Ишчи гуруҳ" томонидан Олтиариқда олиб борилаётган ишлар ўрганилмоқда...

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг топшириғига асосан "Ишчи гуруҳ" томонидан Олтиариқда олиб борилаётган ишлар ўрганилмоқда... Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги фаолиятини сарҳисоб қилиш мақсадида, Сенат комиссияси Олтиариқ туманида ўз ўрганишларини бошлади. "Ишчи гуруҳ" томонидан туманимизда "Обод қишлоқ" давлат Дастури доирасида, "Ёшлар дафтари", "Темир дафтари", "Аёллар дафтари"га киритилган фуқароларнинг мавжуд муаммоларини бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишлар шунингдек, туман Кенгаши депутатлари томонидан "депутатлик назорати"нинг қай тарзда йўлга қўйилганлиги бўйича ўрганишлар олиб борилмоқда. "Обод маҳалла" давлат Дастури доирасида "Жонибек" ва "Янгиараб" маҳаллаларида аҳолини турмуш тарзини яхшилаш, иш билан бандлигини таъминлаш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишилди. Ўрганишлар давом этмоқда...

2021-06-16 10:30:15